

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ

III. Бобоҷонов

Қарши давлат университетининг Педагогика институти доценти

ARTICLE INFO.

Kalit so‘zlar:

Тил, миллат, давлат, илм-фан, адабиёт, ўзбек, қонун, ватан, муҳаббат.

Аннотация

Ушбу мақолада давлат тили ва унинг аҳамияти атрофлича ёритиб берилган. “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ва унда акс этган моддалар орқали давлат тилини нуфузи ва эътибори кенг ёритиб берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek: “Она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурматингиз ва муҳаббатингизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатишингиз керак” деган ҳикматли сўzlари она тилимизнинг янада юксалишига замин яратади.

Ўзбекистонимиз энг ривожланган давлатлар қаторига кириш йўлида дадил қадамлар билан кундан-кунга ривожланиб, тараққий этиб бормоқда.

Ўтган 30 йил мобайнида кўплаб адолатли, инсонпарвар, ҳалқпарвар қонунлар қабул қилинди. Шу йиллар мобайнида 100 дан ортиқ янги қонун ва кодекслар қабул қилиниб, ҳаётимизда ўз ифодасини топиб бормоқда. Мамлакатимизда қонунчилик тизими кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Ана шундай барча фуқароларимиз билиши ва амал қилиши лозим бўлган муҳим қонунлардан бири 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган ва 1995 йил 21 декабрда янги таҳrirда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги 24 моддадан иборат Қонунидир.

Она тилимиз орқали миллат ва ҳалқ, адабиёт ва тарих, илм – фан ва маданиятимиз ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Донишманлардан бири: “Она тили – менинг ватанимдир” деб минг бора таъкидлаган экан. Ватан ҳам, ватанга муҳаббат туйғуси ҳам илоҳий бир неъмат. Шунинг учун ҳам ватан ҳар бир кишига азиз ва муқаддасдир. Ватан сўзи ҳамиша она сўзи, она тили билан ёнма-ён келади. Ўтган буюк тарихимизда не-не буюк аждодларимиз ва алломаларимиз она тилимизнинг бетакрор жозибаси билан миллат руҳини кўтарганлар. Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Беназир шоир Хоразмий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғофур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳхор, Примқул Қодиров, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби юзлаб буюк алломалар, шоир ва ёзувчилар, тишлинос ва адабиётшуносларимиз ўзларининг дурдона асарлари билан она тилимизнинг ривожланишига бекиёс хисса қўшганлар.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”

деган сўзлари бебаҳодир. Шунинг учун ҳам она тили-миллат кўзгуси, тил-миллат белбоғи, тилтафаккур элчиси, тил-давлат рамзи каби муқаддас сўзлар қон-қонимизга сингиб кетгандир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти бекёсдир. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши эса халқимизнинг унутилмас буюк қадриятларини тиклаш йўлидаги тарихий хужжатdir.

“Давлат тили ҳақида”ги Қонун кундалик ҳаётимизда ўз натижасини бериб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, илм-фан, маданият ва санъат, тил ва адабиёт, давлат бошқарувида оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. 30 йил ичидаги ўзбек тили лексикографияси эса энг юқори чуққига кўтарилди. 12 жилдли Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 5 жилдли Ўзбек тилининг изоҳли луғати, лотин ва кирил алифболарида имло луғати ва шу асосида юзлаб ўқув ва таржима луғатларининг нашр этилиши ва кенг ўқувчилар оммасига тақдим этилганлиги том маънода мустақиллик йилларига тўғри келади ва “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир.

Қонуннинг биринчи моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир деб ёзиб қўйилган”. Бу эса ҳар бир юртдошимизда фахр ва ифтихор туйғусини шакллантиради. Шу билан бирга ҳар бир фуқарога катта масъулият юклайди. Қонуннинг тўртинчи моддасида “Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-хурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади. Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади” деб ёзиб қўйилган. Кўриниб турибдик, қонун ҳар томонлама мазмун-моҳияти билан мукаммал ёзилган.

Қонуннинг 7 моддасида она тилимизнинг янгиланиш ва бойиш жараёнини тартибга солишга қаратилган: “Давлат тили расмий амал қиласиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади. Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди. Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади” деб белгилаб қўйилган.

“Давлат тили ҳақида” ги Қонун она тилимизнинг нуфузини ошириб унинг бойишига ва софлашишига, дунё тиллари қаторидан ўрин олишига замин яратди. Халқимизнинг дунёқараши ва савиясининг юқори бўлишини, маънавиятининг юксалишини таъминлаш билан бирга она тили мақомини ҳам юқори чўққиларга олиб чиқди. Дунё спорт ареналарида ўзбек тилидаги “Чала”, “Ёнбош”, “Дакки”, “Ҳалол” каби сўзлар янграй бошлади. Асосий мақсадимиз барча соҳа ходимлари каби бизлар ҳам она тилимизнинг ривожланишига ва яна тараққий этиб боришига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, “Давлат тили ҳақидаги”ги Қонун ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва меъёрларига риоя этилишини талаб этади. Бу қонунга асосан, илмий асосланган, ҳамма эътироф этган, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган, атамашунослик қўмитаси томонидан тасдикланган атамаларгина ўзбек адабий тилига жорий этилади.

“Давлат тили ҳақида”ги Қонун ва Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари асосида мамлакатимиз бўйлаб туман ва шаҳарларда, олий ўқув юртларида ўтказилаётган илмий-назарий конференция ва маънавий-маърифий тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳам она тилимизнинг бойлигини асрараш ва уни ривожлантириш, бутун дунёга тараннум этишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 1-12 жилд. 2000-2006 йиллар
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. –Т.: ”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 1-5-жилд. 2006-2008.
3. Yusupov, O. (2019). FUNCTIONAL-SEMANTIC FEATURES OF LEXICAL DOUBLETS IN ENGLISH. *Philology Matters*, 2019(3), 98-104.
4. Yusupov, O. (2020). Lexical doublets in English and Uzbek linguistics. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 466-468.
5. Zarina, R., Shahram, A., & Umida, K. (2020). Using games to teach management in higher education institute. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 49-52.
6. Shahram, A., Umida, K., & Zarina, R. (2020). Information technology's role in the study of foreign languages. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 96-98.
7. Aslonov, S., & Ruzimurodova, Z. (2020). INGLIZ TILINI O ‘QITISHNING INNOVATSION USULLARI. *Студенческий вестник*, (12-5), 72-74.
8. Ruzimurodova, Z., & Aslonov, S. (2020). WHAT TO TEACH TO THE STUDENTS? TO TEACH STANDARD ENGLISH OR WORLD ENGLISHES?. In МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ (pp. 367-369).